

10. Кдырбаева Г. “Ман” – “одам” концептосфераси бирликларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида). Филол. фан. бўй. фалс. докт. (PhD) дисс. автореф. –Тошкент: 2017. –С.45.

РЕЗЮМЕ. Мақолада тизимли-структурвий тилшуносликнинг пайдо болиши ва шаклланиши, шунингдек унинг ўзбек ва қорақалпоқ тилшунослигида қўлланилиши таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматривается вопрос о формировании и развитии структурно-семантического направления в языкознании, а также об его использовании в узбекском и каракалпакском языкознании.

SUMMARY. The article analyzes the emergence and formation of system-structural linguistics and its application in Uzbek and Karakalpak language learning.

СЎНГГИ ДАВРДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

Ш.Нурбоев – тадқиқотчи

Жиззах давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: тилшунослик, лексика, диссертация, достон, тадқиқот, илмий муаммо, вазифа, лингвостилистика, шева, адабий тил, тадқиқотчи.

Ключевые слова: языкознание, лексика, диссертация, эпос, исследование, научная проблема, задача, лингвистическая стилистика, диалект, литературный язык, исследователь.

Key words: linguistics, vocabulary, dissertation, epic, research, scientific problem, task, linguistic stylistics, dialect, literary language, researcher.

Энг сўнги даврларда халқ бахши-шоирларининг эпик репертуаридаги индивидуал услубини аниқлашни кўзда тутадиган, ҳофизасидаги сўзларнинг бойлигини ва микдорини аниқлаб, умумлаштириб берадиган статистик, стилистик ва лингвопоэтик тадқиқотлар яратила бошланди. Бу борада Г.Жуманазарова, Д.Ўринбоева, Н.Хаджимусаева, Қ.М.Оллоёров, И.Умаров, А.Эшмуродов, Д.Ашуров, Ю.Ходжиев ва бошқаларнинг халқ достонлари тили ва лексикографик манбаларига бағишланган тадқиқот-луғатларини қайд этиш ўринли.

Г.У.Жуманазарованинг докторлик диссертациясида [2] Фозил Йўлдош ўғли қуйлаган “Балогардон”, “Баҳром ва Гуландом”, “Зевархон”, “Лайли ва Мажнун”, “Малика айёр”, “Нурали”, “Рустамхон”, “Фарход ва Ширин”, “Ширин билан Шакар” каби достонлар лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик жиҳатдан таҳлил этилган. Муаллифнинг эълон қилган асосий ишларида [3] қўйилган вазифалар тўла-тўқис амалга оширилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида қуйидагиларни таъкидлаш лозим: достонлар тилидаги сўзларнинг тарихий-этимологик ва функционал-мазмуний хусусиятлари очиб берилган; достонларнинг электрон матни асосида лексикографик манбалари (сўзлик, алфавитли, частотали, терс (чаппа) ва изоҳли луғатлар) яратилган; достонлар матнидаги фонетик, лексик-грамматик қурилишидаги бирликларнинг қўлланилиш микдори аниқланган; достонлар тили лингвопоэтикасини аниқлаш орқали услубий формулаларнинг тузилмавий-поэтик табиати ва лексик-стилистик қатламларнинг семантикаси асосланган, ибораларнинг тузилмавий-семантик ва коннотатив маъноларидаги ўзига хосликлар очиб берилган. Шунингдек, Г.Жуманазарованинг диссертациясида таҳлилга жалб этилган достонлар қаҳрамонлари нутқидаги норасмий, халқчил унсурлар (сўкиш, қарғиш ва ҳақоратли сўзлар) нинг матндаги лингвопоэтик хусусиятлари асослаб берилган. Энг муҳими, достонлар тилидаги ўхшатишларнинг тузилмавий-семантик ва поэтик табиати, сифатлаш, метафора, метонимия ва ибораларнинг лингвопоэтик имкониятлари аниқлаб берилган, бадий-эстетик қиммати лисоний далиллар асосида очиб берилган.

Д.Ўринбоевнинг докторлик диссертацияси ва эълон қилган асосий илмий ишларида [6] “Алпомиш”, “Рустамхон” ва “Равшан” достонлари, мақол, топишмоқ, эртақ, қўшиқ жанрларининг алифболи, частотали, терс ва изоҳли луғатлари тузилганлигини, танланган материалларда қўлланган барча сўзшакллар қўлланилиш микдори аниқланганлигини ва статистик ахборот талабларига кўра очиб берилганлигини кузатамиз. Булардан ташқари, танлама материаллардаги сўз туркумлари ва уларнинг

грамматик кўрсаткичлари квантитатив таҳлил этилиб, ўзига хос типологик табиати, жанрий хусусиятлари ёритилган; достон, мақол, топишмоқ, эртақ ва қўшиқлар матнларидаги сўзшаклларининг лингвопоэтик имкониятлари аниқланиб, бадий-эстетик қиммати исботланган; энг муҳими, электрон ҳамда дастурий таъминот учун лингвистик таъминот, яъни фонетик, лексик, грамматик базани яратиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва асослаб берилган.

Қ.М.Оллоёровнинг диссертацияси [4] “Тўрўғли” ва “Ошиқнома” туркуми достонларидаги ономастика масаласига бағишланган, унда Хоразм достонлари тилида қўлланилган атоқли отларнинг лингвистик хусусиятлари ўрганилган. Диссертацияда мазкур достонлар лексикасидаги бадий қаҳрамонлар номлари, реал тарихий ҳамда ўйлаб топилган (нореал) номлар аниқланган, номларнинг таркибий жиҳатлари, содда, қўшма, мураккаб ва гибрид шаклдаги номлар, ономастик индикаторларнинг лингвистик хусусиятлари фактик материаллар асосида далиллаб берилган. Халқ достонларидаги ономастик бирликлар тасниф қилиниб, улар жой номлари, киши номлари, тарихий шахслар, достонлардаги лақаблар каби мавзуий-семантик гуруҳларга ажратилган ва қардош халқлар тилига оид достондаги номлар билан ўзаро муносабатлари очиб берилган. Шунингдек, Хоразм достонларида тўпланган ономастик бирликларнинг мифонимлар, теонимлар ва бошқа турдаги номлар тарзида тарихий-қиёсий, тавсифий ва этник-этимологик хусусиятлари асосланган; ишда Хоразм достонларида учрайдиган ономастик бирликларнинг статистикаси келтирилган, уларнинг таркибида содир бўлган фонетик ва морфологик ўзгаришлар аниқланган.

Н.Хаджимусаеванинг диссертацияси ва монографик тадқиқоти [7] “Орзигул” достони тилини лексик-семантик, лингвостатистик ва лингвостилистик усулда тадқиқ этишга ҳамда халқ бахшисининг сўз қўллаш маҳоратини очиб беришга бағишланган. Муаллиф диссертациясининг илмий янгилиги қуйидаги натижаларда кўзга ташланади: “Орзигул” достонидаги ўз ва ўзлашма қатлам тавсифий, қиёсий-тарихий таҳлил усуллари асосида аниқланган; матннинг фонетик, лексик, семантик-стилистик хусусиятлари очиб берилган; достондаги тил бирликларининг қўлланилиш микдори, троплар тизими, поэтик синтаксиси ва услубий формулалари ўрганилган; сўзлашув нутқида хос лингвистик ва экстралингвистик мезонларининг достон тилига таъсири, адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳолатлари лисоний далиллар асосида ёритилган; Ислом шоир Назар ўғлининг поэтик индивидуаллиги, достон қуйлаш ва тилдан фойдаланишдаги маҳорати илмий асосланган.

Тилшунослигимизда муайян бахши-шоирнинг сўз бойлигини белгилаш билан боғлиқ илмий-назарий

масалалар ҳанузгача долзарб бўлиб қолмоқда. Шу маънода, И.Умаровнинг «Малика айёр» достони тилига бағишланган диссертациясида [5] қўйилган масалалар ҳам анчайин янги, десак бўлади. Унда ўзбек тилшунослигидаги халқ достонларининг лугавий қатламлари муаммоларига оид илмий тадқиқотларни ўрганилган; достондаги сўзлар мавзуий гуруҳларга ажратилган ва лексик-семантик табиати очиб берилган, ижтимоий-сиёсий лексиканинг функционал таҳлили амалга оширилган; антропоним ва топонимларни этимологик жиҳатдан таҳлил қилинган, маъмурий-худудий бўлиниш ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодаловчи лексемаларнинг лисоний табиатини тадқиқ қилинган; зоонимларнинг этимологик, функционал ва семантик тадқиқини амалга ошириш; достондаги кўп маъноли сўзларнинг семантик, лексик-грамматик ва генеологик тадқиқини тавсифланган, ибораларнинг услубий хусусиятларини ёритилган.

“Холдорхон” достонининг лингвостилистик хусусиятларига бағишланган А.Эшмуратовнинг диссертацияси [9] фонетик, лексик-фразеологик бирликларнинг лисоний табиати, синтактик қурилишдаги стилистик фигураларнинг қўлланилиш хусусиятлари очиб беришга қаратилган. Мазкур диссертацион тадқиқотнинг тилшунослик илмидаги янгилиги қуйидаги жиҳатларда кўриш мумкин: достон эпик матнидаги *аёл, тоза, қобирға, қават, ангишламоқ-кишнамоқ, жайнамоқ-ййрамоқ* каби лексик-грамматик ҳамда *уюшиқ бўлақлар, кириш сўзлар ва ундалмалар* каби синтактик хусусиятлари очиб берилган ҳамда бахшининг бадиҳағўйлик иктидори сўзларнинг семантик қамровини кенгайтирувчи етакчи восита эканлиги аниқланган; “Холдорхон” достони тилидаги сўзларда товушлар алмашиш, орттирилиш, тушиш ва ўзгартирилиш каби фонопоэтика элементлари мавжудлигига асосланган ҳолда бахши эпик репертуаридаги *же-ловчи* қипчоқ тип шеваларига хос фонологик хусусиятлар сақланиб қолганлиги далилланган; экстралингвистик мезонлар асосида достондаги грамматик воситаларнинг функционал-стилистик, ёзма ва сўзлашув нутқида хос стилистик хусусиятлари эпик матннинг семантик табиатига таъсир қилиши асосланган; достон матнидаги ўхшатиш, эпитет, муболаға, такрор ва стилистик формуларлар бахшининг бадиий-эстетик қарашларини ифода этувчи лингвомаданий бирлик вазифасини бажарганлиги исботланган; “Холдорхон” достони тилидаги лексик қатламнинг функционал-семантик хусусиятларини бошқа достончилик мактабига мансуб ижодкорлар асарлари тилининг лингвопоэтик талқинлари билан қиёслаш натижасида ҳар бир эпик аънамага мансуб бахшиларнинг бадиий тили ўша худуддаги лингвомаданий муҳитни ўзида мужассамлаштирганлиги аниқланган.

Энг охирги вақтларда, аниқроғи, 2-3 йил ичида тилшунослигимизда нафақат муайян бир эпик достоннинг лисоний хусусиятлари, балки хилма-хил вариантларга эга бўлган достонлардаги лисоний бирлик ва услубий воситаларнинг лингвокультурологик, семантик-структур ҳамда лексикографик хусусиятларининг илмий таҳлилларига дахлдор бўлган бир қатор диссертациялар бажарилди ва химоя қилинди. Шу ўринда, биргина “Алпомиш” достонининг

версия ва вариантларидаги ҳозирги тилшуносликнинг энг долзарб муаммолари ўрганилган Ю.Ходжиев ва Д.Ашуровларнинг ишларини таъкидлаш ўринли.

Ю.Н.Ходжиевнинг диссертациясида [8] шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларини семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятларини ёритишни мақсад қилиб олган. Мазкур тадқиқотнинг фандаги илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: “Алпомиш” достон ида қўлланган “маънавий” умумий маъноли атов бирликлар аниқланиб, тавсифланган; “маънавий” умумий маъноли бирликлар тизимида шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларининг концептуал хусусиятлари асосланган; “Алпомиш” достонида қўлланган шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларнинг семантик-структур ва генетик хусусиятлари очиб берилган; шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларнинг лексикографик талқини масаласига ойдинлик киритилган; достонда қўлланган шахс маънавий сифатларини ифодаловчи атов бирликларни замонавий лугатларда бериш муаммоларга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

“Алпомиш” достони лингвокультурологик хусусиятларига бағишланган Д.Ашуровнинг диссертациясида [1] эса мазкур достоннинг бошқа қуйловчи-ижодкорларининг эпик репертуаридаги намуналар, хусусан, Фозил Йўлдош ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли ва Эгамберди Олломурод ўғли вариантларидаги лингвокультурологик бирликлар танланган. Мазкур диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: “Алпомиш” достонидаги лингвомаданий бирликлар семантикаси тил ва маданият уйғунлиги асосида ошириладиган; достон матнидаги замон, макон, ранг билан боғлиқ бирликларнинг, этнографизмларнинг воқеаланиш, шаклланиш ва қўлланилишининг психолнгвистик, лингвокультурологик ҳамда социолнгвистик ормиллари далилланган; аънавий, турғун ва индивидуал ўхшатишлар лингвокультурологик бирлик сифатида миллий менталликни ифодалаш билан бадиий-услубий, лисоний-маданий мақсадлар учун хизмат қилиши асосланган; соматик фразеологизмлар, мақол ва маталларнинг семантик, услубий хусусиятлари миллийнинг шахслар ва гуруҳлараро миллий-маданий, тарихий-ижтимоий, ассоциатив-психологик муносабатлари ҳосиласи эканлиги исботланган.

Хуллас, биз танлаган мавзуимизга бевосита алоқадор халқ достонлари тилининг ўзбек тилшунослигида ўрганилишининг қай даражада эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун ҳозирги кунгача химоя қилинган диссертацион тадқиқотларга қисқача тўхталиб ўтдик. Бундан кўзланган асосий мақсад халқ достонлари лексик материалнинг шева ва адабий тилга муносабатини очишга бағишланган, лексик материал таҳлиliga кенг қамровда ёндашилган тадқиқотларнинг таҳлилининг ёритишдан иборат эди. Билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг ўзиёқ халқ достонларини лисоний жиҳатдан кенг қамров билан таҳлил этишдаги энг долзарб муаммолар кўлами ҳамда келажақда бажариладиган амалга оширилиши мумкин бўлган вазибалар ҳақида тасаввур бера олади.

Адабиётлар

1. Ашуров Д.А. “Алпомиш” достонининг лингвокультурологик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Наманган: 2021. 7-8- б.
2. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлар тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил). Докторлик диссертацияси. –Тошкент: 2017.
3. Жуманазарова Г.У. Ўзбек халқ достонлари матнининг лингвостатистик таҳлили, Тошкент: Тафаккур, 2011. 72-б.; Шу муаллиф: Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. -Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. 291-б.; Шу муаллиф: Халқ достонларида ўхшатишнинг лингвопоэтик имкониятлари. -Тошкент: “Тафаккур”, 2011. 56-б.; Шу муаллиф: Халқ достонларида саъж ва такрорнинг лингвопоэтик имкониятлари. Тошкент:

Тафаккур, 2011. 36-б; Шу муаллиф: Фозил шоир дostonлари тилининг лексик-стилистик қатламлари. -Тошкент: “Тафаккур”, 2012. 109-б.

4. Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси (“Гўрўғли” ва “Ошиқнома” туркум дostonлари асосида). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Самарқанд: 2018. 46-б.

5. Умаров И. Фозил йўлдош ўғлининг “Малика айёр” дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Фарғона: 2020.

6. Ўринбоева Д. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари. Филология фанлари доктори (DSe) диссертацияси. –Самарқанд: 2019. 73-б.; Шу муаллиф: Ўзбек халқ оғзаки дostonлари тилининг лингвостатистик таҳлили. –Самарқанд: 2009. 136-б.; Шу муаллиф: Ўзбек фольклор матнларининг лингвостатистик тадқиқи. -Тошкент: “Фан”, 210. 125-б.; Шу муаллиф: O'zbek xalq dostonlari tilining chastotali lug'ati. –Toshkent: 2006. 244-b.; O'rinboyeva D., Umurzoqov U. O'zbek xalq dostonlari tilining alfavit-chastotali lug'ati. –Toshkent: 2006. 395-b.; Yo'ldoshev B., O'rinboyeva D. O'zbek xalq dostonlarining chastotali izohli fraziologik lug'ati. –Toshkent: O'ME, 2008. 98-b.

7. Хаджимусаева Н. “Орзигул” дostonининг статистик, семантик-стилистик ва лингвопоэтик тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Жиззах: 2020, 45-б.; Ислom шоирининг “Орзигул” дostonининг лисоний тадқиқи. – Т.: “Innovatsiya-ziyo”, 2019. 112-б.

8. Ходжиев Ю.Н. “Алпомиш” дostonидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари. - Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. - Тошкент: 2020. 121.

9. Эшмуратов А.М. “Холдорхон” дostonининг лингвостилистик хусусиятлари (Эргаш Жуманбулбул ўғли варианти асосида). - Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Жиззах: 2021.180-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек тилшунослиги соҳасида кейинги ўн йил мобайнида химоя қилинган докторлик, номзодлик, фалсафа доктори (PhD) диссертациялари, шунингдек, эълон қилинган асосий монографик тадқиқотлар лугатлардаги илмий ғоялар, янги фикр-мулоҳазалар қисқача таҳлил этилган. Муайян тадқиқотларда кўтарилган масалалар, хусусан, халқ дostonларининг лексик материалининг шева ва адабий тилга муносабатини очишга бағишланган лексик материаллар таҳлиliga кенг қамровли ёндашилган, тадқиқотларнинг илмий янгиликлари тавсифланган.

РЕЗЮМЕ. В статье приводится краткий анализ докторских, кандидатских диссертаций, защищенных в области узбекского языкознания за последнее десятилетие, а также научных идей в словарях опубликованных крупных монографических исследований, новых идей. Научная новизна исследования заключается в комплексном подходе к анализу лексического материала, который посвящен вопросам, поднимаемым в отдельных исследованиях, в частности, отношению лексического материала народных былин к диалектному и литературному языку.

SUMMARY. The article provides a brief analysis of doctoral, candidate, master's theses defended in the field of Uzbek linguistics over the past decade, as well as scientific ideas in the dictionaries of published large monographic studies, new ideas. The scientific novelty of the study lies in a comprehensive approach to the analysis of lexical material, which is devoted to issues raised in individual studies, in particular, the relationship of the lexical material of folk epics to the dialect and literary language.

МЕДИА ТИЛИНДЕ МЭНИ АЛМАСЫҰ ЖАҒДАЙЫ (ПРОЦЕСИ): ТЕОРИЯЛЫҚ АНАЛИЗ

А.О.Толёубасва – үлкен оқытушы

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлөкетлик университети

Таянч сўзлар: маъно кўчиш, газета матни, метафора, ОАВ, тил, лингвистика, ахборот, коммуникация.

Ключевые слова: семантика, газетный текст, метафора, медиа, язык, лингвистика, информация, коммуникация.

Key words: semantics, newspaper text, metaphor, media, language, linguistics, information, communication.

Тил илиминде медиа тилиниң үйренилиўи әхмийетли машқалалардың бири есапланады. Бүгинги күнде дўнья тил илиминде, әсиресе қарақалпақ хәм өзбек тил илиминде де күнделikli ғалаба хабар қуралларында жәрияланып атырған материал, әсиресе, текстлердин лексикалық-стилистикалық хәм структуралық композициялық қәсийетлерин орнатыў тийкарында илмий изертлеў хәм зәрурли, хәм қурамалы ўазыйпа есапланады.

Себеби, Д.М.Тешабаеваның айтып өткени сыяқлы: “Медиа тили тәлийматының теориялық тийкарын миллий тилдиң ғалаба коммуникация тараўында қолланылыўына тийисли зәрурли мәселелерди системалы түрде илмий тәрәптән үйрениў талап етиледі” [12:49]. Хәқыйкатында да, медиа тилине арналған изертлеўлердин сапалылығы дўнья тил илиминиң тек ғана жағдайы, соның менен бир қатарда оның эволюциялық дәрежеси менен де белгиленеди.

Қарақалпақ дәўирли баспа сөз тилиниң стилистикалық қәсийетлерин изертлеген илимпаз З.Қ.Оразымбетова “...хабар хәм хәдийселерди халыққа жеткеріўде тил бирликлери хәм қуралларыннан кең, белсене пайдаланылады, хәтте оларды дәслепки формасында емес, ал, қайта ислеп пайдаланыў ғалаба хабар тилине тән есапланады”[11] – деп түсиндиреди.

Хәдийсе хәм процесслерди сүүретлегенде оны кең жәмийетшиликке бағдарлаў, оның мақсет хәм мазмун тәрәплерине емес, стилистикалық тәрәптән де итибар қаратыў;

Баянлаў хәм сүүретлеўде тил бирликлери хәм стильлеринен орынлы хәм мақсетли пайдаланыў; функционал стильлер хәм тил қуралларын пайдаланғанда әпиўайылық, анықлық, түсиниклилик хәм қысқалыққа ерисіў;

Тәсирликти тәмийинлеўде тилдеги бар сөз хәм бирликлерден пайдаланып қоймастан, олар арасында жаңа сөз хәм бирликлерди пайда етиў; функционал стильлердин барлық түр хәм формаларын өзінде жәмлеген ҳалда өзине тән стильлерди қәлипестирип хәм раўажландырып барыў [11: 18].

Хәқыйқаттан да, Қарақалпақ дәўирли баспа сөзи қарақалпақ халқы әдебий тилиниң жоқары раўажланған дәўиринде қәлипести.

Ғалаба хабар тилиниң тийкаргы ўазыпасы хабар жеткеріў болып табылады. Философиялық көз-қарастан белгили журналист алым Х.Достмухаммедов хабарды төмендегише талқылайды: “Дўнья хабар ишинде жасайды, дўнья хабар толқынында бар. Дўнья хабардан тысқарыда болалмайды, өйткени, хабардың барлығы, хабардың жоқлығы – дўнъяның да, өмирдин де жоқлығы есапланады” [5:20]. М.Худайкуловтың пикиринше: “Инсан искерлигинде хабар алмасыўы оғада әхмийетли роль ойнайды. Ол инсанның сыртқы әлемди билиўи, тәжирийбеге ийе болыўындағы тийкаргы қураллардың бири болып табылады” [14].

Айрым филолог илимпазлардың пикиринше, бир-бири менен байланыслы болған хәм барлық түрдеги ғалаба хабар қуралларында хабар жеткеріў функциясынан тысқары, “...газета тилинде өз көринисин табатуғын тәлим, кеўилшар, реклама хәм идеологиялық функцияларды” да айрықша атап өтиў зәрур [3:35].

ГАЗЕТА (итал. *gazzetta* – усақ пул)–күнделikli ўақыялар хәққында материаллар жәрияланатуғын дәўирли баспа. Ғалаба хабар хәм пропаганданың тийкаргы қуралларын бири. Оның ўазыйпасы жәмийеттиң хабарға болған зәрурлигин, мәнәўий интеллектуал талапларын қанаатландырыўдан ибарат.